

ДАСТУРХОНИМИЗ БЕЗАКДОРЛАРИ АЗАМАТ САБЗАВОТКОРЛАРГА ЭЛ ТАШАККУРИ

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ АСОСИЙ САБЗАВОТКОР КАЛИНИН
РАЙОНИ 104 МИНГ 250 ТОННА МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРДИ.

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 236 (4442). | 3 декабрь, 1971 йил, ЖУМА | Баҳоси 2 тийин.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ
БУТУНГИ СОНИ
КАЛИНИН
РАЙОНИ
САБЗАВОТКОР-
ЛАРИГА
БАҒИШЛАНАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕ-
КИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ИШОНЧ БИЛДИРАДИЛАР-
КИ, МИНИСТРЛИКЛАР ВА ИДОРЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ, КОЛ-
ХОЗЛАР, СОВХОЗЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХУЖА-
ЛИК МУТАХАССИСЛАРИ, БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ, КОМСОМОЛ ВА
КАСАБА СОЮЗ ТАШКИЛОТЛАРИ КАРТОШКА ЕТИШТИРИШНИ КЕС-
КИН КЎПАЙТИРИШ УЧУН БАРЧА КУЧ ВА ҒАЙРАТЛАРИНИ САРФ-
ЛАЙДИЛАР ВА БУ БИЛАН КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРАДИЛАР.

(ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҚАРОРИДАН)



СУРАТДА: Калинин районининг донгдор сабзавоткорларидан (чапдан ўнгга) В. Ким, А. Сайдалиев, М. Ёқубова, И. Эшонов, Х. Умаров, С. Мухаммаджонов, Н. Лучников, Р. Қамбаров, А. Усмонов, М. Исоқова, М. Маъмуров, А. А. Хандазян, Т. Мирзаев, Н. Ҳакимов, Ғ. Абдуллаев ўртоқлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

ГЎШТ ВА СУТ САНОАТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ— ТЕХНИКА БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети гўшт ва сут саноатини янада ривожлантириш, чорва моллар ва сутни ўз вақтида қабул қилиш ва комплекс қайта ишлашни таъминлаш, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла-роқ қондириш мақсадида «гўшт ва сут саноатининг ишлаб чиқариш-техника базасини ривожлантириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

СССР гўшт ва сут саноати министрига ҳамда иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1971—1975 йиллар учун гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш ҳажмларини 1,4 барабар кўпайтириш юзасидан тошхирлар белгиланди. Ўраб қўйилган гўшт, сут, кефир ва бошқа сут маҳсулотлари, шунингдек пакетида стерилизация қилинган сут тайёрлашнинг икки барабарлаш эъди кўпайтириш кўзда тутилди. Сосиска, сарделка, яхши дудланган колбаса, дудланган таомлар ва бошқа гўшт маҳсулотлари тайёрлашнинг кўпайтириш мўлжалланади. Гўшт масалликлари тайёрлашнинг анча ошириш кўзда тутилди. 1974 йилдан бошлаб аҳолининг болалар истеъмоли қиладиган қуруқ сут маҳсулотларига бўлган талабларини тўла-роқ қондиришни таъминлаш назарда тутилди. Гўшт ва сут маҳсулотларининг сифатини, таъминини яхшилашга ва уларнинг тўйимлилигини оширишга эътибор берилди.

Гўшт ва сут саноатининг ишлаб турган корхоналарини тобора яхтисолаштириш ва техника билан қайта қуrollантириш, ҳамда янги турларини жорий қилиш, механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган линияларни ишлашнинг ҳисобига ишлаб чиқариш воситаларини механизациялаштиришни анча

юксак даражага кўтариш тадбирлари белгиланди.

Шу беш йилликда чорва моллар, гўшт ва сутни қайта ишлаб берадиган янги корхоналар қуриш ва ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш юзасидан иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР гўшт ва сут саноати министрига, қурилиш министрликлари ва идораларга берилган тошхирлар тасдиқланди. СССР гўшт ва сут саноати министрига ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотларини, тажриба-саноат базаларини ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини кенгайтириш учун 4 миллиард 178 миллион сўмлик давлат капитал маблағлари ажратилди. СССР гўшт ва сут саноати министрига иттифокдош республикалар гўшт ва сут саноати министрликлари учун ва гўшт ҳамда сут саноати область (ўлка) бошқармалари (бинолашмалари) учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди маблағларидан 50 процентча бўлган инқидорий корхоналарнинг розилиги билан марказлаштиришга рухсат берилди, корхоналар бўйича эса айрим ҳолларда корхоналарни қуриш, кенгайтириш ва реконструкция қилишга сарфланадиган давлат капитал маблағларини марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган тартибда бирлаштириш ҳуқуқи берилди. СССР давлат банкига 1971—1975 йилларда гўшт ва сут саноати корхоналари ҳамда ташкилотларига янги техникани жорий қилиш, ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш, шунингдек халқ истеъмоли қиладиган товарларни ишлаб чиқаришни уюштириш учун айрим ҳолларда узоқ муддат билан кредит беришга рухсат этилди.

СССР Госснаби ва СССР гўшт—сут саноати министрлигига 1972 йилда гўшт ва сут саноати объектларини қурадиган механизациялаштирилган кўча колонналарини улар бажарадиган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмларига мувофиқ машина-ускуналар ва механизмлар билан таъминлаш тошхирлиди.

Қарорда гўшт ва сут саноатининг ишлаб турган корхоналарини ва қуриладиган корхоналарини янги турларини ишлаб чиқаришнинг кенг программаси тасдиқланди. Ёнгил саноат ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший приборлар машинасозлиги министрлигига серияли машина-ускуналар тайёрлаш ва етказиб беришнинг кўпайтириш, технология ускуналарининг янги турларини ишлаб чиқаришнинг ўзлаштириш ҳамда шу беш йилликда чорва моллар, гўшт ва сутни қайта ишлайдиган корхоналарга ана шу ускуналарни етказиб бериш юзасидан тошхирларнинг бажарилишини таъминлаш тошхирлиди.

СССР химия саноати министрлиги, целлюлоза-қоғоз саноати министрлиги ва бинокорлик материаллари саноати министрлигига ўрайдиган махсус материаллар ва шунингдек идишларни гўшт ҳамда сут саноатига етказиб бериш юзасидан тошхирлар белгиланди.

СССР қишлоқ хўжалик министрлигига ва иттифокдош республикаларнинг Министрлар Советларига гўшт ва сут саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан анча яхши фойдаланиш учун бутун йил мобайнида ана шу корхоналарга чорва моллар ва сутни бир меърада етказиб бериш чораларини қуриш тақлиф этилди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ БИЛАН БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ ВА ДАВЛАТ АРБОБЛАРИНИНГ ДЎСТОНА УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг тақлифига буювган Болгария Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси давлат кенгаширининг раиси Т. Живков ва Болгария Компартияси Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзоси, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси С. Тодоров 30 ноябрда дўстлик визити билан Москвага келдилар.

Шу кунин Совет Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси партия ва давлат арбоб-

ларининг дўстона учрашуви бўлиб ўтмоқда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин;

Болгария томонидан — БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари, БХР Давлат кенгаширининг раиси Т. Живков ва БКП Марказий Комитети Сийёсий Бюросининг аъзоси, БХР

Министрлар Советининг раиси С. Тодоров қатнашдилар. Совет ва Болгария партия, давлат арбобларининг учрашуви ҳамма масалаларда тўла ҳам-жиҳатлик манжуриятини тасдиқлади ҳамда қардошларча дўстлик ва салимнинг руҳида ўтди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катусев ва КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. В. Русаков иштирок этдилар.

Шу кунин Т. Живков ва С. Тодоров ўртоқлар ўз юртига жўнаб кетдилар. (ТАСС).

А. Н. КОСИГИН ДАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Дания ҳукуматининг тақлифига буювган 2 декабрда расмий визит билан Москвадан Копенгагага жўнаб кетди. Эстония ССР Министрлар Советининг раиси В. И. Клаусон, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев, СССР Ташқи ишлар министрлигининг ўринбосари А. А.

Смирнов ҳам ўртоқ А. Н. Косигин билан бирга жўнаб кетдилар.

К. Т. Мазуров, Д. С. Полянский, Ю. В. Андронов, М. С. Соломенцев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. А. Лисецкий, В. Н. Новиков, И. Т. Новиков, Л. В. Смирнов, Н. А. Тихонов, СССР Министрлар А. А. Громико, А. А. Гречко, С. Ф. Ан-

тонов, Т. Б. Гузенко, А. А. Ишқов, Н. С. Патолчиев, Н. А. Шчелоков, Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Пронислов ва бошқа расмий ки-ишлар Внуково аэродромидан ўртоқ А. Н. Косигини узатиб қолдилар.

Шу кунин А. Н. Косигин Копенгагага етиб келди. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КХДРГА БОРАДИ

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сийёсий Бюроси аъзосидиган таънафат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси КХДР Олий халқ мажлисининг тақлифига буювган декабрь ойининг бошларида Корея Халқ Демократик Республикасига борди. (ТАСС).

ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Область комсомол комитетининг бўлиб ўтган пленумида «ВЛКСМ Марказий Комитети секретариатининг «Тошкент область» ешлари ўртасида меҳнат иттифозининг аҳоли тўғрисида» қарорини бажариш юзасидан область комсомол ташкилотининг вазифаларини ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда область комсомол комитетининг иккинчи секретари В. Д. Ардатов доклад қилди.


Пленумда ВЛКСМ Марказий Комитети сектор мудири В. Г. Озирний нутқ сўзлади. Пленум ишида область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов иштирок этди.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленумда область ХУП комсомол конференциясини чакирини тўғрисидаги масала ҳақи кўрилди. Пленум область XVII комсомол конференциясини 1972 йил 10—11 мартда ўтказишга қарор қилди.

МҮЛ-КҮЛЧИЛИК УЧУН

«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.



Теплица хўжаликларига 1967—1970 йилларда экин майдони ва ҳосилдорлигининг ўсиши ҳамда тўққизинчи беш йилда бу соҳани ривожлантириш режалари.

